

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ЖАМОАВИЙ ДАЪВО ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Асқар Мамараймов

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов

академияси мустақил изланувчиси,

Сурхондарё вилоят судининг судьяси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21919394>

Аннотация: айрим ҳолларда, масалан, фермер хўжаликлари томонидан ёки улар манфаатида судга тақдим қилинадиган даъво аризаларида айтилган бир жавобгар, яъни қишлоқ хўжалиги кластерига бир хил асос бўйича талаб билдирилиб, фақатгина даъвонинг предмети, яъни ундирилиши сўралаётган пул маблағлари миқдори турлича бўлади ҳамда даъво аризалари сони баъзи ҳолларда туманларда мавжуд фермер хўжаликлари сонига қараб 200-300 тани ҳам ташкил қилиши мумкин. Бунда ҳар бир даъво аризаси бўйича алоҳида иш шакллантирилиши ва юритилиши судларнинг иш юкчасини ошириши билан бирга, катта ресурс талаб қилади. Мазкур ҳолатда иқтисодий суд ишларини юритишда айрим хорижий давлатлар бир гуруҳ бўлиб даъво қилиш, яъни жамоавий даъволар бўйича иш юритиш институтидан самарали фойдаланаётганлигини кузатиш мумкин.

Калит сўзлар: жамоавий даъво, айтилган бир жавобгар, бир гуруҳ бўлиб даъво қилиш, даъво предмети, бир гуруҳ шахслар манфаати, суднинг иш юкчасини камайтириш, шерик даъвогарлар, жамоавий даъволар бўйича иш юритиш.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жисмоний ва юридик шахслар, тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш, мустақил ва холис суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқининг ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган.

Жумладан, иқтисодий суд ишларини юритишни такомиллаштиришга қаратилган ислохотларнинг туб замирида ҳам судга мурожаат қилиш ва ишларни юритиш тартибини соддалаштириш ва тарафлар учун ҳар томонлама қулайлигини таъминлаш, иқтисодий ишларнинг судда ўз вақтида ва қонуний кўрилишини масалалари ўз аксини топган.

Жамиятда иқтисодий ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар жадал суръатларда ривожланиши баробарида иқтисодий судларга мурожаатлар ҳамда мазкур судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар сони ҳам йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, республика иқтисодий судлари томонидан биринчи инстанцияда 2023 йилда 271 748 та, 2024 йилда 436 086 та иқтисодий ишлар кўрилган бўлса, 2025 йилда ушбу кўрсаткич 690 749 тани ташкил қилган.¹

Судлар томонидан мазмунан кўриладиган иқтисодий ишлар сонининг сезиларли даражада ошиб бориши судга мурожаат қилиш тартибини такомиллаштириш орқали

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Суд статистикасини тизимли таҳлил қилиш бўлими томонидан тайёрланган иқтисодий судларнинг 2024 йил ва 2025 йил давомидаги фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар тўплами // Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2024-2025 йй.

судларнинг иш юкламаси камайтириш, ишларнинг ҳар томонлама ва қонуний қўрилишини таъминлайдиган суд ишларини юритишнинг янги институтларини миллий қонунчиликка жорий қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Бугунги кунда иқтисодий судларга даъво аризаси билан мурожаат қилаётган ёки манфаатида даъво аризаси киритилаётган тадбиркорлик субъектларининг аксарият қисмини фермер хўжаликлари ташкил қилади. Миллий қонунчилигимизга ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ижтимоий муносабатларга қишлоқ хўжалиги кластерлари институти кириб келмасидан аввал фермер хўжаликлари билан таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар иқтисодий судлар томонидан мазмунан кўриб чиқиладиган ишларнинг салмоқли қисмини ташкил этган. Фермер хўжаликлари билан қишлоқ хўжалиги кластерлари ўртасида тузиладиган фьючерс шартномалари, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалардан келиб чиқувчи ҳамда бошқа турдаги низолар ҳозирги кунда ҳам судлар томонидан кўплаб кўриб чиқилмоқда. Бевосита фермер хўжаликлари томонидан ёки улар манфаатида судга тақдим қилинадиган мазкур турдаги даъво аризаларида айтилиб бериладиган жавобгар, яъни қишлоқ хўжалиги кластери, даъвонинг асоси ҳам бир хил бўлиб, фақатгина даъвонинг предмети, яъни ундирилиши сўралаётган пул маблағлари миқдори турлича бўлади ҳамда даъво аризалари сони баъзи ҳолларда туманларда мавжуд фермер хўжаликлари сонига қараб 200-300 тани ҳам ташкил қилиши мумкин. Мазкур даъво аризаларининг ҳар бири бўйича алоҳида иш қўзғатилиб, иқтисодий иш материаллари шакллантирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Adolat” ахборот тизимлари комплекси орқали судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимланади.

Худди шундай мазмундаги ишларни битта акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамиятга нисбатан унинг иштирокчилари ҳисобланган юридик ва жисмоний шахслар томонидан, шунингдек истеъмолчиларнинг номуайян доирасининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво тақдим қилинган ҳолларда ҳам учратиш мумкин.

Фикримизни амалий мисол билан давом эттирадиган бўлсак, Сурхондарё вилоят Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши даъвогарлар Бандихон туманидаги жами 129 та фермер хўжаликлари манфаатида жавобгар “Bandixon Textile Cluster” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан Қумқўрғон туманлараро иқтисодий судига даъво аризалари билан мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида пахта хом ашёсини етиштириш ва етказиб бериш бўйича тузилган фьючерс шартномасига асосан етказиб берилган пахта хом ашёси учун жавобгар томонидан тўлаб берилмаган жами 25 602 038 328 сўм асосий қарздорлик ва пеняни ундиришни сўраган.

Мазкур иқтисодий ишларда айтилиб бериладиган жавобгар, даъвонинг асоси, иш ҳолатлари, тарафлар ўртасида тузилган шартномаларнинг мазмуни бир хил бўлиб, фақатгина даъвогарлар ҳамда даъвонинг предмети, яъни ундирилиши сўралган маблағлар миқдори бир-биридан фарқланади халос.

Мазкур ҳолатда иқтисодий суд ишларини юритишда айрим хорижий давлатлар бир гуруҳ бўлиб даъво қилиш, яъни жамоавий даъволар бўйича иш юритиш институтидан самарали фойдаланаётганлигини кузатиш мумкин.

В.В.Ярков жамоавий даъвои иш қўзғатиш вақтида номаълум бўлган бир гуруҳ шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш имконини берадиган процессуал институт деб таъкидлайди.²

Г.О.Аболонин фикрича, жамоавий даъво пул суммасини ундириш талабини ўз ичига олган ва бузилган ҳуқуқни тиклаш бўйича умумий талабга асосланган кўплаб шахслар гуруҳи номидан судга қилинган ёзма мурожаат ҳисобланади.³

Н.М.Коршуновнинг фикрича, “жамоавий даъвои” бир хил талабларга эга бўлган шахсларнинг даъвоси, уларнинг доираси ариза бериш вақтида аниқланмаган, аммо барча манфаатдор шахсларни хабардор қилиш орқали белгиланиши мумкин.⁴

Юқоридагиларга асосан, жамоавий даъвои бир хил низо предмети ва асосига, умумий даъво талабига эга бўлган муайян шахслар гуруҳининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга тақдим этилган процессуал ҳужжат деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг “Ишда бир неча даъвогар ва жавобгарнинг иштирок этиши” деб номланган 44-моддасида даъво бир неча даъвогар (шерик даъвогарлар) томонидан биргаликда ёки бир неча жавобгарга (шерик жавобгарларга) нисбатан тақдим этилиши мумкинлиги, даъвогарлар ва жавобгарларнинг ҳар бири бошқа тарафга нисбатан суд процессида мустақил иштирок этиши, процессда биргаликда иштирок этувчилар ишни олиб боришни шерик иштирокчилардан бирига топшириши мумкинлиги белгиланган.⁵

Бироқ, бугунги кунда суд амалиётида бир даъвогар томонидан бир неча жавобгарларга нисбатан даъво тақдим этилган ҳолатлар кузатилса-да, бир неча даъвогарлар томонидан битта жавобгарга нисбатан даъво тақдим этиш амалиёти деярли учрамайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 158-моддасида белгиланган ишларни битта иш юритишга бирлаштириш институти биринчи инстанция суди айни бир шахслар иштирок этувчи бир турдаги бир нечта ишни битта иш юритишга бирлаштиришга ҳақлилигини назарда тутган бўлиб, мазкур ҳолатда ҳам бир неча даъвогарлар томонидан бир жавобгарга нисбатан даъво тақдим қилиш процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган.

Бу борада айрим хорижий давлатлар процессуал қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, жамоавий мурожаат этиш процессуал институтининг вужудга келиши Буюк Британияда XVII асрда Адолат судлари томонидан ихтиро қилинган⁶. Ушбу мамлакатда бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун дастлаб шериклик ва вакиллик хусусиятларини бирлаштирган вакиллик даъвоси ишлатилган. Ҳозирги вақтда Англияда бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллик ва жамоавий даъволари мавжуд. Жамоавий даъволар 1998 йилдаги Фуқаролик суд ишларини юритиш қоидаларининг махсус бўлими (19.10-19.15-

² Ярков В.В. Новые формы исковой защиты в гражданском процессе (групповые и косвенные иски) // Государство и право. 1999. № 9.

³ Аболонин Г.О. Групповые иски в российском арбитражном процессуальном законодательстве - перспективы развития // Арбитражный и гражданский процесс. 2011. № 3. -С. 43-47.

⁴ Гражданский процесс : учебник / Под. ред. Н.М. Коршунова. М., 2015. -928 с.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. –Тошкент. Адлия вазирлиги. Адолат. 2022.

⁶ Вафин Я. Особенности гражданского судопроизводства по групповым искам в Англии // Арбитражный и гражданский процесс. 2019. № 8. –С.26.

моддалари)да тартибга солинган бшлю, гуруҳ даъвосига бағишланган бўлим “Жамоавий процесс” деб номланади⁷.

Францияда жамоавий даъволар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек монополияга қарши қонунлар билан боғлиқ масалалар бўйича берилиши мумкин.

Германияда жамоавий даъво қилиш институти фақат қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ишларни кўриб чиқиш учун фойдаланилади. Испания, Швеция, Белгия, Бразилияда жамоавий даъволарни қўллаш доираси истеъмолчиларни ҳимоя қилиш масалалари ва монополияга қарши қонунлар билан боғлиқ масалалар билан чекланган.⁸

Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг “Бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш” деб номланган 28.2-бобида эса бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича судга мурожаат қилишнинг ҳуқуқий асослари, бу тоифадаги даъво аризаларининг шакли ва мазмунига қўйилган талаблар, даъвогарларнинг ҳуқуқлари, мазкур тоифадаги ишларни юритиш, суд муҳокамасига тайёрлаш ҳамда мазмунан кўриш тартиби, қабул қилинадиган ҳал қилув қарорига қўйилган талаблар батафсил баён қилинганлигини кўриш мумкин.⁹

Юқоридаги хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мазкур институтни жорий қилиш орқали миллий иқтисодий процессуал қонунчилигимизни ҳам такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига “Бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш” номли янги боб киритиш, унда бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи, даъво аризаси ва унга қўйилган талаблар, ишларни судда кўришга тайёрлаш, кўриб чиқиш тартиби, иш бўйича суд харажатларини тақсимлаш тартиби, суднинг ҳал қилув қарори каби нормаларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашни бугунги кунда соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда даврнинг ўзи тақазо қилмоқда.

Юқоридагиларга асосан, иқтисодий судларда биринчи инстанцияда бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш, судларнинг иш юкламасини камайтириш ҳамда ишларни кўришда бир хил суд амалиётини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексини “Бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш” деб номланган қуйидаги мазмундаги 23³-боб билан тўлдириш ҳамда унда қуйидаги асосий тушунчалар ва процессуал нормаларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

► бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича иқтисодий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар;

⁷ The Civil Procedure Rules 1998 // <https://www.legislation.gov.uk/ukxi/1998/3132/contents/made>

⁸ Малешин Д. Я. Гражданская процессуальная система России. М.: Статут, 2011. -496 с.

⁹ Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800

- ▶ бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъво аризаси (ариза)нинг шакли ва мазмуни;
- ▶ бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби;
- ▶ бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги талабга қўшилган шахснинг ҳуқуқлари;
- ▶ бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш;
- ▶ гуруҳ аъзолари манфаатида ишни юритаётган шахсни алмаштириш;
- ▶ бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби;
- ▶ бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд харажатларининг тақсимланиши;
- ▶ бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори.

Мазкур ўзгаришларнинг процессуал қонунчиликка киритилиши судларда жисмоний ва юридик шахслар гуруҳларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари жорий этилишига, судларнинг иш юкламалари камайиб, судьялар томонидан кўплаб бир хил тоифадаги ишларнинг кўрилиши амалиёти бекор қилиниши, ишларнинг сифатли ва тезкор кўриб чиқиши ҳамда бир хил суд амалиёти шаклланишига хизмат қилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ярков В.В. Новые формы исковой защиты в гражданском процессе (групповые и косвенные иски) // Государство и право. 1999. № 9.;
2. Аболонин Г.О. Групповые иски в российском арбитражном процессуальном законодательстве - перспективы развития // Арбитражный и гражданский процесс. 2011. № 3. -С. 43-47.;
3. Гражданский процесс : учебник / Под. ред. Н.М. Коршунова. М., 2015. -928 с.;
4. Вафин Я. Особенности гражданского судопроизводства по групповым искам в Англии // Арбитражный и гражданский процесс. 2019. № 8. –С.26.;
5. Малешин Д. Я. Гражданская процессуальная система России. М.: Статут, 2011. -496 с.
6. The Civil Procedure Rules 1998 // <https://www.legislation.gov.uk/uksi/1998/3132/contents/made>
7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. –Тошкент. Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. 2024.;
8. Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации.https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800;
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Суд статистикасини тизимли таҳлил қилиш бўлими томонидан тайёрланган иқтисодий судларнинг 2024 йил ва 2025 йил давомидаги фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар тўплами // Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2024-2025 йй.<https://stat.sud.uz/economical>;